

7-МАВЗУ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ХУДУДИЙ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИХТИСОСЛАШУВ

Режа:

- 1. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш тушунчаси ва хусусиятлари*
- 2. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштиришга таъсир этувчи омиллар*
- 3. Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув*
- 4. Ички ва халқаро, тор ва комплекс ихтисослашув*
- 5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги минтақалари*
- 6. Ирригация. Мелиорация. Қуритиш ишлари*

Таянч термин ва тушунчалар

Ихтисослашув, меҳнат тақсимоти, қишлоқ хўжалиги тармоқлари, асосий тармоқлар, ёрдамчи тармоқлар, ички ихтисослашув, комплекс ихтисослашув, республика қишлоқ хўжалиги минтақалари, ирригация, мелиорация, қуритиш ишлари, суғорма(обикор) деҳқончилик, лалмикор деҳқончилик

Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг шаклларида бири қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштиришдир. Қишлоқ хўжалигининг жойлаштирилиши муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва миқдор кўрсаткичларини ўзида ифодалайди. Ўз навбатида ҳудудлар(минтақа)ларнинг маҳсулот етиштиришдаги салмоғини ўзида акс эттиради.

Минтақалар бўйича қишлоқ хўжалигини жойлаштириш меҳнатни тўғри тақсимлашга, яъни минтақавий ихтисослашувга олиб келади. Илмий-тараққиёт ихтисослашувнинг чуқурлашувига, сифат ўзгаришларига, ихтисодиётда таркибий ўзгаришларга, концентрациялашувга таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигини ҳудудий жойлаштириш унинг ихтисослашувида ўз ифодасини топади. Илмий-техник тараққиёт ва жойлаштириш бир-бири билан чамбарчас боғланган ва ўзаро алоқадорликда ривожланади. Комплекс автоматлаштириш, электрлаштириш ва

механизациялаш меҳнат унумдорлигини кескин оширади. Жойлаштириш ҳам қишлоқ хўжалиги ва у билан алоқадор тармоқларда техник тараққиётни рағбатлантиради.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш-қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ҳудудлар бўйича географик тарқалишидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун минтақаларнинг табиий, иқлимий, иқтисодий ва социал омиллари ҳисобга олиниб деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари жойлаштирилади. Улар минтақавий ва географик жиҳатдан тақсимланади.

Ишлаб чиқаришни жойлаштириш негизида иқтисодий шарт-шароитлар ётади. Қишлоқ хўжалигида жойлаштириш қуйидаги қонуниятлар орқали амалга оширилади:

- табиий шароит ва агроиқлимий ресурслар;
- истеъмолчи;
- транспорт;
- илмий-техник тараққиёт;
- меҳнат ресурслари;
- экологик.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда **табиий шароит ва агроиқлимий ресурсларларнинг** аҳамияти жуда юқоридир. Айниқса ер, сув, ҳарорат, тупроқ, ер усти тузилиши муҳим ўрин тутди. Табиий шароити энг қулай бўлган ҳудудларда экинлар ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги юқори бўлади.

Ер ва сув ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, айниқса деҳқончилик тармоқларини жойлаштиришнинг энг бирламчи омилидир. Улар қишлоқ хўжалигида бебаҳо бойлик ҳисобланади. Сув ресурсларига бой бўлган ҳудудларда сувни кўп талаб қилувчи шоли, пахта, сабзавот каби экинлар экилади. Бунга Ўрта Осиё, Жануби-Шарқий Осиё, АҚШнинг жануби-шарқий ҳудудлари мисол бўлади.

Табиий шароити ноқулай бўлган қурғоқчил чўл ва тоғли ҳудудларда суғорма деҳқончилик қилишга имконият деярли йўқ. Шунинг учун бу ерларда чорвачилик тармоқлари жойлаштирилади.

Табиий шароит ва агроиклимий ресурслар нафақат деҳқончилик, балки чорвачилик тармоқларининг ҳам жойлаштирилишига ўзининг кучли таъсирини кўрсатади. Чорва молларига ем-ҳашак экинларининг экилиши ва уларнинг яйловлар билан таъминланиши, зотдор ва маҳсулдор чорва молларини боқиш тизими, чорвачилик комплекслари ва фермалари ҳамда уларнинг қийматлари табиий шароитга боғлиқ бўлади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини **истеъмолчиларга** яқин жойлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, қишлоқ хўжалиги аҳолини озиқ-овқат ва саноатнинг айрим тармоқларини ҳам ашё билан таъминлайди. Улар бир оз ноўрин жойлаштирилса ривожланиш секинлашиши ёки пасайиб кетиши мумкин.

Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва сифати АСК корхоналарининг жойлашувига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва унинг асосий истеъмолчиларидан бири қайта ишлаш корхоналари ўртасида ўзаро алоқадорлик сақланиши лозим.

Транспорт иқтисодиётнинг қон томири ҳисобланади. Транспорт қишлоқ хўжалик маҳсулотлари истеъмолчиларига ва ўз навбатида қишлоқ хўжалигига зарур саноат маҳсулотларини етказиб беради. Транспорт йўллари зичлик ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувини ҳам маълум даражада белгилаб беради. Арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмолчиларга ташиш имкониятлари ортади. Мамлакат ва унинг минтақаларида барпо этилган транспорт тизими қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ масофаларга ташиш жараёнида маҳсулот таннарҳига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мана шу сабабли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштиришда

етиштириладиган маҳсулотларни истеъмолчиларга, шунингдек саноат маҳсулотларини қишлоқ хўжалигига етказиб бериш ҳам ҳисобга олинади.

Илмий-техник тараққиёт ҳам қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашишига катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида механизация, электрлаштириш даражаси техник воситаларнинг ўсиши натижасида ортади, меҳнат унумдорлигининг ўсишига сабаб бўлади.

Илмий-техник тараққиёт таъсирида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига индустриал тармоқлар кириб келди, саноат корхоналари билан алоқадорлиги кучайди, меҳнат тақсимооти чуқурлашди, турли минтақаларда янги озиқ-овқат ва хом ашё базалари ташкил этилади.

Меҳнат ресурслари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлашувига катта таъсир кўрсатади. Нафақат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, балки бошқа ишлаб чиқариш жараёнларини ишчи кучисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аҳоли зич жойлашган ҳудудларда меҳнатни кўп талаб қилувчи қишлоқ хўжалик тармоқлари жойлаштирилади. Шоли, пахта, чой, кофе каби сермеҳнат экинларни етиштириш бунга мисол бўла олади. Аҳоли сийрак тарқалган ҳудудларда экстенсив хўжаликлар ташкил этилади.

Дехқончилик ва чорвачилик ишлаб чиқариш корхоналари, экин майдонлари таркиби мавжуд меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиши лозим. Аҳолининг табиий-тарихий малака ва кўникмалари ҳам минтақалар бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва ихтисослашувига жиддий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон аҳолисининг табиий ўсиши нисбатан юқори бўлгани учун меҳнат ресурслари билан юқори даражада таъминланган мамлакатлардан биридир. Меҳнат ресурслари айниқса қишлоқ жойларида кўпдир. Шунинг учун уларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ишчи ўринлари орқали иш билан таъминлаш мумкин.

Экологик омилнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлаштирилишига таъсири ортиб бормоқда. Полиэтилен плёнкалар, минерал ўғитлар, пестицидларнинг меъеридан ортиқ ишлатилиши, қишлоқ хўжалик

транспорт воситаларининг атроф-муҳитга салбий таъсири, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши биологик ва кимёвий кураш, алмашлаб экиш системасига риоя қилмаслик, чорва молларининг озикланиш меъёрида боқилиши экологик омилнинг кучайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналарини мамлакат иқтисодий районлари бўйича жойлаштириш минтақавий иқтисодиётнинг тадқиқот объектларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви. Муайян маҳсулот ишлаб чиқаришга мослашиш жараёнига *ихтисослашув* дейилади. Хўжалик ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар тури қанча кам бўлса, унинг ихтисослашув даражаси шунча юқори бўлади. Меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши ихтисослашиш даражасининг ошишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигидаги ўзига хос хусусиятлар ихтисослашувда ҳам намоён бўлади. Унда табиий, иқтисодий шарт-шароитлар, ишлаб чиқаришдаги мавсумийлик, қишлоқ хўжалигининг жуда катта ҳудудларда тарқалиши, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги, чиқиндисиз технологияга ўтиш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқаришнинг энг асосий ва кўшимча тармоқларини шакллантиришда уларни яхлит ҳолда олиш, кам меҳнат ва маблағ сарф қилган ҳолда кўпроқ товар маҳсулоти яратиш пировард мақсад ҳисобланади.

Меҳнат тақсимооти таъсирида ишлаб чиқариш ихтисослашуви вужудга келади. Қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир турдаги товар аҳамиятига эга бўлган маҳсулот (пахта, дон, қанд лавлаги, гўшт, сут, тери, жун, тухум ва бошқалар) ишлаб чиқариши бўйича иштирокига *ихтисослашув* дейилади.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодий қонунлар, жумладан бозор иқтисодиёти, режали иқтисодиёт ва бошқа иқтисодий қонуниятлар асосида ривожланиб боради.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви маҳсулотлар миқдори ва сифатининг ортиши, ер, сув, иқлим, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларини, энг замонавий техника

ва технологияларни ҳамда илғор хўжаликлар тажрибаларни амалиётда қўллаш натижасида иқтисодий самарадорликни юқори бўлишига, меҳнат унумдорлигининг ортишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари мулкчиликнинг турли шаклларида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер, сув, иқлим ва табиий шароити хилма-хил бўлган улкан минтақаларда етиштирилади. Меҳнат тақсимооти мана шу ҳудудларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражасини ўзида акс эттиради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти бу корхонанинг ижтимоий меҳнат тақсимоотидаги ўрни ва мавқеини белгилаб берувчи муайян турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилади. АСМ корхоналари бир бутун ишлаб чиқариш тармоғига эга бўлиб, ушбу ишлаб чиқариш тармоқлари қишлоқ хўжалиги корхонасининг бир ёки ундан кўп бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашувидан, мавжуд ишлаб чиқариш техника ва технологияси, асосий ва айланма маблағларининг катта-кичиклиги, ишчи кучларининг сони ва малакаси билан фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодий аҳамиятига кўра бош (асосий), кўшимча ва ёрдамчи турларга бўлинади.

Бош ёки етакчи тармоқлар товар маҳсулотларини яратишда асосий ўринни эгаллайди ва улар хўжаликнинг ихтисослашувини белгилаб беради. Асосий тармоқлар комплекс ихтисослашган хўжаликларда битта бўлади.

Кўшимча тармоқлар ҳам товар тармоқлари туркумига киради. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сонини кўпайтириш учун табиий-иқлимий ва меҳнат ресурсларидан, ишлаб чиқариш воситаларидан, техникадан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришдаги мавсумийликни юмшатишга олиб келади.

Ёрдамчи тармоқлар гарчи ўзлари қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмасаларда, улар асосий ва кўшимча тармоқларда ишлаб чиқариш жараёнининг бир маромда кечишини таъминлаши, етакчи ва кўшимча тармоқларда яратилаётган маҳсулотларнинг товар хусусиятларини янада ошириш учун ёрдам кўрсатишлари талаб этилади.

Юқорида кўрсатилган уч тармоқ (асосий, қўшимча ва ёрдамчи) худуднинг табиий-иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда мамлакат ва хўжаликнинг ички эҳтиёжларини тўлароқ қондириши ва бутун ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини кўпроқ таъминлашга имкон берадиган даражада бир-бири билан узвий алоқадорликда ривожлантиришга эришиш зарур. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ихтисослаштирилаётганда қуйидаги қонуниятлар ҳисобга олинади:

1. Товар маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича иложи борича кам меҳнат ва кам маблағ сарфлаб, мумкин қадар кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга эришиш;

2. Йил давомида ер, сув, иқлим, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали ва бир текис фойдаланиш;

3. Фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан, илғор тажрибаларидан ва техникадан, ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларидан юқори самарадорликда фойдаланиш;

4. Айланма маблағларнинг оборотини ошириш;

5. Қишлоқ хўжалигининг иккиламчи маҳсулотлари ва чиқиндилари (ғўзапоя, сомон, гўнг) дан кенгроқ фойдаланиш;

6. Қишлоқ хўжалигини юқори даражада механизациялаш ва электрлаштириш.

Республика хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қуйидаги типлари кўп тарқалган:

1. Пахтачилик;
2. Ғаллачилик-чорвачилик;
3. Боғдорчилик (қоракўлчилик);
4. Боғдорчилик-сабзавотчилик;
5. Шоличилик;
6. Боғдорчилик-узумчилик;
7. Сабзавотчилик;
8. Паррандачилик;

9. Шаҳар атрофи хўжалиги (сабзабот-сут етиштириш).

Мазкур ишлаб чиқариш типлари интенсивлашиш даражаси ва ер майдони бирлигидан олинган маҳсулот бўйича ҳам бир-биридан фарк қилади. Бундан кўринадики, уларнинг ихтисослашув даражаси ҳам турлича бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашувнинг тор ва комплекс вариантлари (турлари) дан ташқари, ички (микро), минтақавий (мезо) ва ташқи (халқаро-макро) ихтисослашув турлари ҳам ажратилади.

Ички ихтисослашув-хўжалик ва унинг бўлинмалари (бўлимлар, фермалар, фермер хўжаликлар, оилавий пудратчилар ва бошқалар) ўртасида ташкил этилган меҳнат тақсимоти. Улар муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаради. Масалан, чорвачилик фермасидаги биринчи бўлим сут, иккинчи бўлим гўшт етиштиради.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг шаклларида бири минтақалар (вилоят, туман) бўйича ихтисослашувдир. Ўзбекистон Республикасида минтақавий ихтисослашувга қуйидагилар мисол бўла олади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти-шоли, Самарқанд вилояти майиз, Қашқардарё вилояти-дон, Сурхондарё вилояти субтропик мевалар, Фарғона вилояти бодринг, ўрик ва анор, Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари қовун-тарвуз етиштиришга ихтисослашган.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг шаклларида яна бири халқаро ихтисослашувдир.

Қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқаришининг ривожланиши халқаро меҳнат тақсимотини келтириб чиқарди. Халқаро меҳнат тақсимоти ҳар бир мамлакатнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда товар ишлаб чиқаришини йўлга қўяди.

Ихтисослашув мамлакат, вилоят, туманларнинг айнан хўжаликнинг қайси тармоғи ва қандай маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан машғул (банд) эканлигини ўзида акс эттиради. Демак, ихтисослашув орқали ҳудудларда қишлоқ хўжалигида қайси тармоқнинг ривожланганлиги ва устун (етақчи)

эканлигини, қайси турдаги маҳсулотлар билан иштирок этаётганлигини аниқлаб олиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ихтисослашув муҳим аҳамиятга эга. Ихтисослашув кўйидаги афзалликларга эга:

-молиявий ва моддий ресурсларни умумлаштириш ва сафарбар қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кўпроқ даромад келтирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади;

-ишлаб чиқариш жараёни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан такомиллашиб боради ва ривожланишнинг индустриал тараққиёт йўлига ўталади;

-ишлаб чиқариш маданияти ўсади, меҳнат илмий асосда ташкил этилади, кадрлар малакасини оширишга қулай шарт-шароитлар яратилади;

-фан-техника тараққиёти таъсирида қишлоқ хўжалигида касб-хунарлар таркиби ўзгариб боради. Қишлоқ хўжалиги учун мутлақ янги бўлган касблар (оператор, инженер ва бошқалар) вужудга келади;

-ақлий ва малакали жисмоний меҳнат салмоғи ортиб боради.

Бу афзалликлар таъсирида ихтисослашувнинг асосий мақсади-меҳнат унумдорлиги ва иқтисодий самарадорликнинг ортишига эришилади.

Булардан ташқари, қишлоқ хўжалиги ихтисослаштирилганда биринчидан меҳнат ресурсларидан, иккинчидан техникадан, учинчидан раҳбарлик штатларидан фойдаланилади, тўртинчидан таннарҳи нисбатан арзон маҳсулот етиштирилади.

Жаҳонда бир қатор мамлакатлар ана шундай **тор ихтисослашувга** мослашган. Жумладан, Нидерландия, Дания, Германиядаги маълум бир хўжаликлар йирик шоҳли қорамолчиликка, яъни сут ва гўшт етиштиришга, айримлари (Франция) пишлоқ, айримлари эса ем-хашак етиштиришга мослашган. Бу тор ихтисослаштириш узоқ муддатга режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги ихтисослашувининг иккинчи варианты **комплекс ихтисослашувдир**. Комплекс ихтисослашувда бир қанча тармоқлар бир вақтда параллел ривожлантирилади. Бундай шароитда маълум бир ҳудуд

еридан, меҳнат ресурсларидан, хўжаликнинг иқтисодий қувватидан тўла фойдаланишда шу усул қўл келади.

Фақат бир экин экиш билан шуғулланган мамлакатларда монокультура (яккаҳокимлик) келиб чиқади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги минтақалари. Ўзбекистон ҳудудининг шимолий ва ғарбий қисми чўл ва чала чўл минтақасида, жанубий ва шарқий қисми тоғ олди ва тоғли минтақада жойлашган. Катта майдонларни эгаллаган бу табиат минтақалари республика қишлоқ хўжалигига ҳам катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун табиий ва иқтисодий омилларга кўра республикада қуйидаги 3 та агрогеографик минтақа ажратилади:

1. Чўл-яйлов минтақаси;
2. Суғорма(обикор) деҳқончилик минтақаси;
3. Адир-тоғ минтақаси.

1. Чўл-яйлов минтақаси Устюрт платоси, Қизилқум, Мирзачўл, Қарши, Сурхон-Шеробод, Марказий Фарғона чўлларини ўз ичига олади. Республика ҳудудининг катта қисмини ишғол этган бу минтақа табиати асосан чўл ва сувсиз текисликлардан иборат. Чўл-яйлов минтақасида асосан қорақўл қўйлари катта майдонларда боқилади. Шунинг учун бу минтақа чорвачиликка, биринчи навбатда қорақўлчиликка ихтисослашганлиги билан ажралиб туради.

2. Суғорма (обикор) деҳқончилик минтақаси. Мазкур минтақа республика ҳудудининг 20 % га яқинини ташкил этади. Шундай бўлса-да, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 85 % ини етказиб беради. Интенсив ривожланган бу минтақада пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, полизчилик ва чорва молларига озуқа етиштириш унинг асосий ихтисослашган тармоқлари ҳисобланади. Ихтисослашиш ва ва қишлоқ хўжалиги мажмуаларига кўра суғорма деҳқончилик минтақаси қуйидаги 4 та кичик минтақага бўланади:

А) Пахтачилик кичик минтақаси - асосан республиканинг барча водий ва воҳалари(Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон, Сурхондарё, Қашқадарё водийлари, Мирзачўл ва Қуйи Амударёнинг обикор ерлари)ни ўз

ичига олади. Бу кичик минтақада асосан пахта етиштириш етакчи ўрин эгаллайди. Шунингдек, дон хўжалиги, боғдорчилик, тоқчилик ҳам ривожланган.

Б) Пахтачилик-галлачилик кичик минтақаси. Бу минтақа Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг тоғ олди ҳудудларини ўз ичига олади.

В) Шоликорлик-чорвачилик кичик минтақаси. Бу минтақа асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг Амударё дельтасини қамраб олади.

Г) Шаҳар атрофи кичик минтақаси - йирик шаҳарлар атрофидаги ерларда тезлик билан ривожланиб бормоқда. Тошкент, Андижон, Наманган, Самарқанд каби республиканинг йирик шаҳарлари атрофларида таркиб топган бу кичик минтақада сабзавотчилик, сут-гўшт чорвачилиги ва боғдорчилик-узумчиликка ихтисослашган хўжаликлар шаклланган.

3. Адир-тоғ минтақаси. Мазкур минтақа республика ҳудудининг 20 % дан ортиқроқ майдонини эгаллайди. Бу минтақада лалмикор деҳқончилик(буғдой, арпа, нўхат етиштириш), боғдорчилик, тоқчилик ва чорвачилик ривожланган. Гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган чорвачилик баҳорги-кузги яйловларда олиб борилади.

Арид(курғоқчил) зонада жойлашган Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда суғориш ва мелиорация ишлари муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғормасдан туриб улардан кўзланган ҳосил етиштириб бўлмайди. Шунинг учун экинлар йил давомида суғориб борилади.

Ирригация лотинча суғориш деган маънони билдиради. Қишлоқ хўжалиги экинларига сув таъминотини яхшилаш мақсадида ерларни суғориш, шунингдек ерларнинг шўрини ювиб(яхоб бериш) ишларининг барчаси ирригация тадбирлари ҳисобланади.

Тарихдан яхши маълумки, қадимдан Ўзбекистонда суғориш ва мелиорацияга катта эътибор бериб келинган. Амударё дельтасида жойлашган қадимги Хоразмда эраמידан аввалги асрларда суғориш иншоотлари

қурилган. Сопол қувурлар орқали далаларга сув олиб борилиб, экин майдонлари суғорилган. Ариқ, сой ва каналлар қазилиб, сув омборлари бунёд этилган.

Илм-фаннинг тараққий этиши туфайли Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон водийлари, Қарши воҳасида ирригация тизими тараққий этган. Бу ишлар туфайли қишлоқ хўжалиги ерлари майдони кенгайиб борган. Чўлли худудларда сардобалар қурилган. Улар Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятларида сақланиб бугунги кунгача етиб келган.

Ўрта асрларда ирригация ишларига айниқса, темурийлар даврида катта эътибор берилган. Кўплаб ариқ-каналлар қазилиб, боғлар ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги ерлари кенгайтирилди. Темурийлар анъанасини Бобур ва унинг авлодлари Афғонистон ва Ҳиндистонда давом эттирдилар.

Ўрта Осиё хонликлари даврида Зарафшон водийсида Дарғом, Чирчиқ-Оҳангарон водийсида Бўзсув, Сурхондарёда Занг канал-ариқлари қазилди. Ўрта асрларнинг буюк ихтироларидан бири-чиғириқлар орқали баланд ерларга сув чиқарилиб янги ерлар ўзлаштирилган. Чиғириқлар ёрдамида баланд ерларга сув чиқариш ўрта аср ирригациясининг муҳим босқичларидан бири эди. Чиғириқлардан XX асрнинг 20-йилларигача фойдаланиб келинди.

Чор Россияси ва собиқ шўролар даврида ҳам ирригацион тадбирларга катта эътибор қаратилган. Сув таъминотини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги экин майдонлари кенгайтирилиб борилди. Бир қатор каналлар қазилиб, Занг, Янги Дарғом, Эски Жўн каналлари таъмирланди.

1940-йиллар ирригация тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Негаки, 1939-йилда халқ ҳашари йўли билан 45 кун ичида узунлиги 270 км бўлган Катта Фарғона канали қазилди. Куйганёрда Қорадарёга тўғон қурилди. Тошкент вилоятида Хон ва Сурхондарёда Ҳазорбоғ суғориш тизимлари таъмирланди. 1940-йилларда Каттакўрғон сув омбори қурилиши бошланди. Фарғона водийсида Шимолий ва Жанубий Фарғона, Хоразм вилоятида Тошсоқа каналлари ишга туширилди.

XX асрнинг 60-йилларидан Ўзбекистоннинг кўрик ерлари ўзлаштирилиши бошланди. Чўлларни суғориш учун Шеробод, Аму-Занг, Аму-Қарши, Аму-Бухоро каналлари бунёд этилди. Андижон, Жиззах, Каркидон, Пачкамар, Жанубий Сурхон, Чорвоқ, Қуйимозор сув омборлари қурилиши сабабли суғориладиган ерлар майдони кенгайди.

1970-йиллардан Қизилқум, Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштириш учун узунлиги 400 км га тенг бўлган Аму-Бухоро, узунлиги 290 км ли Аму-Қарши магистрал каналлари қурилди. Қудратли насос станциялари Амударё сувларини 132 м баландликка кўтариб уларни сув билан таъминлайди. Қуйи Амударё минтақасида Туямўйин, Қашқадарёда Толимаржон каби йирик сув омборлари қурилиши сабабли бу ҳудудларда ирригация тизими янада яхшиланди.

Мелиорация (лотинча-яхшилаш) – қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг ҳолатини яхшалаш учун амалга ошириладиган агротехник ва гидротехник тадбирлар мажмуидир. Мелиоратив тадбирларни ўтказишдан асосий мақсад ерлардан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Ўзбекистон шароитида мелиоратив тадбирларга қурғоқчил ерларга сув чиқариш, шўрлашган майдонлар ер ости сувлари сатҳини пасайтириш, тупроқлар унумдорлигини ошириш учун маҳаллий ва минерал ўғитлар солиш, ёнбағирлар ва қумларга ўсимликлар экиш ва бошқа тадбирларни киритиш мумкин. Умуман олганда, мелиорациянинг 40 дан ортиқ тури мавжуд. Жумладан, ерларни қуриштириш, чангалзорлардан тозалаш, ихотазорларни вужудга келтириш ва улар майдонини кенгайтириш, қор тўплаш, ерларни гипслаш ва маълум бир маданий ўсимликларни кузда ҳосили йиғиб олингандан сўнг майдалаб далага сепиб юбориш ёки кунгабоқар ва маккажўхори ҳосили йиғиб олинмай далада қолдириш(қорларни тўсиш мақсадида) мелиоратив тадбирлар ҳисобланади.

Қуриштириш ишлари. Бундай тадбирлар асосан намлик, яъни ёгин кўп тушадиган ҳудудларда олиб борилади. Россиянинг Сибирь ва шимолий

минтақаларида, Канаданинг шимолий ҳудудларида, Бразилия Амазонкасида, Конго ҳавзасида ботқоқликларни қуритиш тадбирлари ўтказилади.

Ўрта Осиёда ҳам қишлоқ хўжалиги ерларини қуритиш ишлари олиб борилади. Грунт сувлари ер бетига яқин жойлашган тупроқларда бундай тадбирлар амалга оширилади. Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон шароитида зовур, дренаж ва коллекторлар қазиб, очиқ ёки ёпиқ шаклларда ўтказилади.

Мавзунинг такрорлаш ва мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ихтисослашув деб нимага айтилади?
2. Қишлоқ хўжалигида хўжаликларни ихтисослаштиришдан асосий мақсад нима?
3. Меҳнат тақсимоли нима?
4. Қишлоқ хўжалиги тармоқлари иқтисодий аҳамиятига кўра қандай турларга бўлинади?
5. Ихтисослашувда қайси қонуниятлар ҳисобга олинади?
6. Нима учун ихтисослашув даражаси турлича бўлади?
7. Ихтисослашувнинг қандай турларини биласиз?
8. Ихтисослашув нималарни ўзида акс эттиради?
9. Ихтисослашув қандай афзалликларга эга?
10. Нима учун Ўзбекистон халқаро миқёсда пахтачиликка ихтисослашган?
11. Тор ва комплекс ихтисослашган мамлакатларга мисоллар келтиринг.
12. Ўзбекистонда қандай қишлоқ хўжалиги минтақалари ажратилади?
13. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий қисмини қайси минтақа етказиб беради?
14. Шаҳар атрофи кичик минтақаси республикамизнинг қайси шаҳарлари атрофларида ривожланган?
15. Чўл-яйлов минтақаси қишлоқ хўжалигининг қайси тармоқларига ихтисослашган?
16. Ўзбекистонда ирригациянинг ривожланиш тарихини гапириб беринг.
17. Нима учун қишлоқ хўжалигида ирригация тизими катта аҳамият берилади?
18. XX аср иккинчи ярмидан бошланган суғориш тизимининг ривожлантирилиши қандай салбий оқибатларни келтириб чиқарди?
19. Мелиорациянинг қандай турларини биласиз?
20. Республикамизнинг қайси ҳудудларида қуритиш ишлари олиб борилади?

Тавсия этиладиган адабиётлар

1. Агроиқтисодиёт. Андижон, 1996. -254 б.
2. Асанов Г. ва бошқ. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жўғрофияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. -209 б.
3. Асанов Г.А. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1990. -248 б.
4. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. - 455 б.
5. Қаримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
6. Солиев А ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2000.
7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф А.Тўхлиев. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1998. -237 б.
8. Қаюмов А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. –Т.: Университет. 2004.
9. Қодиров Р. Қишлоқ хўжалиги географияси (Маърузалар матни). -Андижон. 2000.
10. Ҳусанов Р.Ҳ. ва бошқ. Агросаноат комплекси иқтисодиёти. -Т.: 2003. -772 б.